

**“Хомашё етказиб берувчидан ишлаб чиқарувчига айланыпмиз”**

3-с.

**“Кунлик режа катта натижа беряпти”**

Бухоро вилоятидаги қарийб 200 нафар солиқ инспектори 90 ва ундан юқори балл олишти.



5-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

# Маҳалла

2024 йил  
27 июнь,  
Пайшанба

№33  
(2171)

WWW.UZMAHALLA.UZ

## БУГУНГИ СОНДА:

### Миграциядан қайтган ёшлар ҳам мулкдор, ҳам пулдор бўлди

Мактаб битирувчиларининг аксарияти “IT” соҳасига қизиқади. Аммо маҳаллада ахборот технологиялари, дастурчиликка ўқитадиган марказ ёки курс йўқ. Шу боис маҳалламизда “IT”га ихтисослашган ўқув марказ очиш таклифини ишлаб чиқдик. Агар шу режамиз амалга ошса, битирувчи ёшларга қулайлик яратилади.

4-с.

### Мактабларда солиқ бўйича дарслар ўтилиши керак

Агар ўқувчиларга солиқ ҳақидаги билимлар мактаб давридаёқ ўтилса, келажакда солиқ тўловчилар ортидан қувиб юришимизга ҳоҳат қолмайди. Шу боис, мактаб ва университетлар таълим дастурига маълум муддат солиқ соҳаси бўйича дарс соатлари киритилиши керак.

5-с.

### “Низоли, ичкиликка ружу қўйган оилалар алоҳида назоратда”

Мактаб, боғча, масжид ва чойхоналар атрофида кузатув камералари ўрнатдик. Хозир тадбиркорга тегишли бинода фаолият юритяпман. Келгусида “маҳалла еттилиги” билан бир бинода ишласак, бутун ҳудудни кузатиб туриш учун камераларни бир жойга интеграция қиламиз.

6-с.

### Ҳар бир кун фойдали юмуш билан ўтяпти

Ҳар кун эрталабдан тушга қадар хонадонларга кириб, хотин-қизлар билан суҳбатда бўлишга ҳаракат қиламан. Айна вақтдаги кайфияти, муаммоси ва ютуқлари ҳақида сўраб суриштираман. Кўпчилиги ўрганиб қолганиданми, боришимни кутиб ўтиради. Янги иш бошламоқчи бўлганларга зарурий тавсиялар берамиз. Моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз.

8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиң!

@mahalla\_raislari  
@mahalladosh\_1  
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»га ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

## “Маҳалла сервис компанияси” ташкил этилади



Президент Шавкат Мирзиёев 25 июнь куни маҳаллалар ободлигини таъминлаш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Бугунги кунда юртимизда 9 452 та маҳалла бор. Шундан қарийб 3 мингтаси кўп қаватли уйлардан иборат бўлиб, уларга 821 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатмоқда. Ховли уйлар жойлашган 6 400 дан зиёд маҳаллада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, асосан, ҳашар йўли билан амалга оширилади.

Шу боис бундай жойларда “Маҳалла сервис компанияси” ташкил қилиш таклиф этилмоқда. Унга кўра, бу ташкилотлар маҳаллаларни ободонлаштириш билан шуғулланади, кўчалар ва ариқлар тозаллигини таъминлайди, кўчатлар экиб, парваришлайди. Шартнома асосида ком-

мунал тармоқларни таъмирлаш, чиқиндиларни саралаш ва ташиш хизматларини ҳам кўрсатади.

Сервис компанияси маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг қарори асосида салоҳиятли тадбиркорлар орасидан танлаб олинади. Ободончилик ишлари маҳалланинг буюртмаси ва назорати асосида амалга оширилади. Сервис компаниялари хизматларига тўловлар қилиш учун маҳалла фуқаролар йиғинларига ҳар ойда 20 миллион сўмдан маблағ ажратилади. Шунингдек, улар аҳолига 20 дан ортиқ ижтимоий пулли хизматлар кўрсатиши мумкин.

Умуман, бу тизим натижасида маҳаллаларга фэйз киради, одамларда озодалик ва ободлик туйғуси кучаяди. Маҳаллада яшовчи усталар ва вақтинча ишсиз кишиларнинг бандлиги таъминланади.

Тақдимотда сервис компаниялари аввал тажриба тариқасида 208 та маҳаллада ташкил этилиши белгиланди. Ушбу тажриба натижаси бўйича кейинчалик барча маҳаллаларда жорий қилиш таклифи билдирилди.

КУН МАВЗУСИ

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ФАОЛИЯТИГА ДОИР ТАВСИЯЛАР

## Маҳалла раислиги, бу — одамлар тақдири ва келажаги, қувонч ва ташвишларига дахлдор вазифа (Биринчи мақола)



Д еярли ҳар бир ҳудудга қилинган сафарларим давомида одамлар билан кўп мулоқот қиламан, зотан, касбим шуни тақозо этади. Маҳаллалардаги вазиятни ўрганишлар жараёнида битта жиҳат ҳар гал ўтиборимни тортди ва бундан доимо мамнун бўламан. Бу — бугун одамларда юрт тақдири ва фаровонлигига дахлдорлик ҳисси ортгани, айниқса, маҳалла раислиридаги масъулият ва ташаббускорлик руҳи кучайгани, етакчи сифатида элнинг қорига яраш, халққа хизмат қилиш истаги жонланганидир...

Узоққа бормайлик, яқин йилларни эсланг, маҳалла раисининг қоғозбозликдан боши чиқмасди, ҳар кунлик иш вақти турли жадвалларни тўлдирди, йиғилишу мажлисбозлик билан ўтиб кетарди. Биз нафақа тайинлаш, бандликни таъминлашдан тортиб, хотин-қизлар, ёшлар билан ишлаш, эхтиёжманларни қўллаб-қувватлаш, оилаларни мустақамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, солиқларни ундиришгача бўлган барча юмушларни битта маҳалла раисининг зиммасига юклаб қўйдик. Унинг қайси бирига улгуришини ўйлаб ҳам кўрмадик.

Давоми 2-саҳифада.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

## “Еттилик” раҳбарияти ахбороти тингланди

Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев раислигида “маҳалла еттилиги” фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан видеоселектор йиғилишини ўтказилди.

Унда “еттилик” вакилларининг юқори турувчи вазирлик ва идоралари раҳбарияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳудудий бошқармалари бошлиқлари иштирок этди.

Видеоселектор аввалида “маҳалла еттилиги”га масъул бўлган раҳбарларнинг ўтган давр мобайнида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботлари тингланди, маҳаллаларни ишсизлик, камбағалликдан ҳоли ҳудудга айлантириш масалалари таҳлил қилинди. Вазирлик ва идораларнинг олиб бораётган самарали ишлари натижаси муҳокама этилиб, республика миқёсида биринчи мартаба миграция йўналишида хатлов ўтказилгани, унинг натижадорлиги ва самараси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.



Йиғилишда маҳаллаларни ишсизлик, камбағалликдан ҳоли ҳудудга айлантириш масалалари таҳлил қилинди.

**БИЛИБ ҚЎЙИҢ!**

**“ОФИР” МАҲАЛЛА ҚАНДАЙ АНИҚЛАНДИ?**

“Намунали маҳалла”, “ўрта маҳалла”, “ривожланишдан ортда қолаётган маҳалла”, “оғир” тоифадаги маҳалла”...

Хўш, бундай тоифадаги маҳаллалар қайси мезон асосида аниқланади? Қандай маҳаллалар “оғир” маҳаллалар саналади?

**КЕЛГУСИ СОНДА ЎҚИҢ!**





**Президент Мамбурот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун муносабати билан бир гуруҳ соҳа ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАДИ.**



**ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Россия Федерацияси ички ишлар вазири Владимир Колокольцевни қабул қилди.**



**Президент чорвачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ билан танишди.**

Давом. Бошланги 1-саҳифада.

**"МАХАЛЛА ЕТТИЛИГИ" ФАОЛИЯТИГА ДОИР ТАВСИЯЛАР**

# Маҳалла раислиги, бу — одамлар тақдири ва келажаги, қувонч ва ташвишларига дахлдор вазифа (Биринчи мақола)



**Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси раиси, сиёсий фанлар доктори.**

Шундай шароитда ким ҳам маҳалла раиси бўлишни орзу қиларди? Бугун вазият тубдан ўзгарди: "маҳалла еттилиги" тузилди, ҳар бир йўналишнинг ўз эгаси бор, маҳалланинг мавқеи, раисларнинг ваколати оширилди, барча масалалар шу ернинг ўзида ечим топишига эътибор қаратилди, маҳалла — том маънода ислохотлар марказига айланди. Шунинг учун эндиликда маҳалла раиси лавозими кўпчилик интиладиган, орзу қиладиган касбга айланди. Бу, албатта, бизни қувонтиради.

Шу жиҳатдан ҳозирги маҳалла раислари фаолиятига чуқурроқ назар ташласак, "Хар бир раис ўз ишига замон талаби даражасида ёндашиши учун нималарни билиши, қандай фазилатларга эга бўлиши керак?", деган савол пайдо бўлади. Чунки раҳбар фаол бўлмаса, маҳаллада ижтимоий фаоллик шаклланимайди.

## МАХАЛЛА РАИСИ — ҲАҚИҚИЙ ЕТАКЧИ!

Маҳалла раислари билан доимий мулоқотларда такрор ва такрор айтман: бугунги раис худуднинг ҳақиқий етакчисига айланиши, сиёсий онги ва дунёқараши ҳар томонлама етук бўлиши лозим. Нега? **Давр, замон, муҳит шуни талаб қиляпти.** Масалан, бугун маҳаллада ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим, солиқ ва профилактика инспекторлари раис билан елкама-елка ишлайди. Маҳалла раиси уларни назорат қилади, ишини мувофиқлаштирилади. Демак, раис уларнинг хизмат фаолиятини чуқур тушунадиган, барча соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тереин англаган шахс бўлиши керак. **Содда қилиб айтганда, маҳалла раиси "еттилик" аъзоларидан бир поғона устун бўлиши учун ҳар бирининг вазифасини билиши, уларни устувор мақсадлар сари йўналтири олиши зарур.**

Маҳалла раисларига юзланиб айтманки, бугун Сиз ҳақиқий лидер — етакчи айландиган пайт. Раҳбарликда тажриба, кўникма, маҳорат, билим, ақл ва идрокнинг ўрни катта. Шундай экан, ўз қобилиятингиз, истеъдодингизни ишга солиб, излашдан тўхтаманг. Ҳаётини, одамлар яшаш тарзи ва дунёқарашини чуқур ўргангиз.

Тафаккур етакчи кенг фикрлай олиши, яхшини ёмондан, фойдани зарардан бехато ажрата олиши имкониятини беради. Агар Сизда улар шаклланиб бўлса, Сиз бошқарувнинг сир-асрорларини қийналмасдан эгаллаб оласиз, жамоа ўртасида обрў ва ишонч қозонасиз. Сиздаги ўзига хос талабчанлик, меҳрибонлик ҳамда масъулият жамоа аъзоларида жавобгарлик ҳиссининг шаклланишига сабабчи бўлади.

Яна бир гап — биз бугун фуқаролар йиғини раиснинг ваколат мuddатини 5 йилга узайтириш масаласини кўриб чиқаямиз. Нега? Маҳаллада иш ҳажми кўпайганидан кейин уларни тўғри тақсимлаш, "еттилик" вакилларининг бошини бирлаштириш, худуддаги муаммоларни ҳал этиш учун маҳалла раиси тажрибали, одамлар кайфиятини, яшаш тарзини яхши биладиган инсон бўлиши керак. Тажриба эса 2 ёки 3 йилда йиғилмайди. Қолаверса, 3 йил раисларнинг ўз билим ва бошқарув қобилиятларини тўлиқ намоён этиши учун етарли мuddат эмас эди.

Энди Сиз 5 йилга сайланасиз, бу дегани, масъулият, жавобгарлик,

ишга муносабат ҳисси ҳам шунга яраша ортади, талаб ҳам кучаяди. Бундан бун маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш билан бирга, ҳар бир оила, ҳар бир инсон тақдири учун масъулиятни зиммангизга олишингиз, фидойилик қилишингиз, маҳалла ахлининг фикр-уйлари, мақсадларини иш фаолиятингиз орқали ифода этишингиз зарур бўлади. Ўз ишингизнинг устаси бўлинг, касб вазифаларини яхши англаб, сидқидилдан меҳнат қилинг, намунали иш тажрибаларини оммалаштиринг. Зеро, маҳалла ислохотлар жараёнида фаол бўлиш, ундан узилиб қолмаслиги лозим.

## МАХАЛЛА РАИСИ — ХАЛҚ ВАКИЛИ!

Бугунги кун раиси маҳалла ҳаётига дахлдор ҳар қандай масалани раҳбарлар, ҳокимлар, маҳаллий Кенгашлар олдида дангал қўя олиши керак. **Шахсан ўзим шунинг тарафдориман,** олдимиға маҳаллага тааллуқли масалада келган раислар билан суҳбатлашсам, маҳалласи учун жон куйдираётгани, фидойилик қиладиганидан қувонаман.

Зотан, ҳозирги маҳалла раиси аввалгидек шунчаки топширилган бажарувчи эмас, худуднинг том маънода бошқарувчиси, халқ вакили саналади. Тўғри, маълум вақт маҳаллага нима кераклиги, қайси муаммо биринчи ўринда ҳал этилиши лозимлиги маҳалланинг ўзидан сўралмай ҳал этилди. Энди бундай бўлмади: маҳалланинг ўзи худуддаги муаммолар бўйича Кенгашларга таклиф киритади. Маҳаллага оид қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этади.

Бу жараёнда Сиз, маҳалла раисларининг масъулияти икки қарра юқори. Зеро, маҳалла худудини, унинг ўзига хос жиҳатлари, муаммо ва ютуқларини Сиздан яхшироқ биладиган одам йўқ. Демак, раҳбарлар олдида масалани тўғри қўя олишингиз, унинг ечими бўйича таклифлар киритишингиз, муаммо ечим топмагунча ҳаракатдан тўхтамаслигингиз талаб этилади. Мен бу борада Сизларни доимо қўллаб-қувватлайман. Раислар фаолиги, мустақил фикрга эгаллиги, ташкилотчилиги ва тадбиркорлиги билан бошқалардан ажралб туриши керак. Шундагина одамлар Сизга ишонади, Сизга эргашади.

## МАХАЛЛА РАИСИ — МАЪНАВИЯТ ТАРБИОТЧИСИ!

"Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она", деганда, маҳалланинг жамиятда кузатиладиган маънавий-маърифий жараёнларга дахлдор тузилма эканини кўраемиз. Зотан, оила, фарзанд, ёшлар таълим-тарбиясида бу тузилма азалдан бениҳоя таъсирчан куч бўлиб келган. Шу маънода бугун маҳалла маънавиятнинг ўзи бўлиши кераклигини Президентнинг ўзи талаб қиляпти.

Қадрли маҳалла раислари, ҳозир маънавий-маърифий соҳаларда иш услубини тубдан ўзгартириш вақти. Ёшларнинг таълим-тарбияси, маънавияти ва маърифатини юксалтириш Сизнинг кундалик устувор вазифага айланиши лозим. "Мақтаб — ота-она — маҳалла" ҳамкорлиги шунчаки қозғоғда эмас, амалда ишлайдиган пайт. Худудда яшовчи зиёлилар, нурунийлар, Ҳаж ва Умра зиёратларида бориб келган ҳар бир юртдошимизни маънавият тарбияotchиси сифатида йўналтириш, маҳалланинг маънавий қиёфасини яратиш, одамларни яхшиликка бошлаш — олдингида турган масъулиятли вазифадир. Зеро, маҳаллада маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак.

Яна бир гап — дабдабали тўй, эрта ва шаръий никоҳ ҳолатларига асло кўз юманг, уларнинг юз беришига йўл қўймаслик учун бор куч ва билимингизни ишга солинг. "Қизлар ўқимаслиги керак, улар фақат уйда бола тарбияси билан шуғулланиши шарт" деган тушунчаларга барҳам беринг. Ахир, ўзингиз айтмигиз, аёл ўқимаса, билимли бўлмаса, келажада она бўлганида ўз фарзандига қандай тарбия бериши мумкин?!

Шунинг учун ҳар хил маънавий таҳдидларга қарши курашини, аввало, оиламиздан, маҳалламиздан бошлашимиз керак. Бу борада Сиз, маҳалла раислари, фаоллар, жамоатчилик тузилмалари фаол бўлмоғингиз лозим. Ўзимиз,



фарзанд ва набираларимиз ҳаёти ҳамда келажагига дахлдор бундай масалаларда энди "ўглаб ўтириш", лоқайд бўлишга асло ҳаққимиз йўқ.

## Маҳалла раисларининг маънавий дунёси қанчалик бой бўлса, жамоа ҳаёти шунчалик қизиқарли ва мазмунли бўлади.

Маҳаллада ҳамжиҳатлик, манфаат ва интилишлар бирлиги вужудга келади. Борди-ю, жамоада тарқоқлик, ўринсиз тортишув юз бериб, бу мोजаро узок вақт давом этса, бундай маҳалла раиси одамларнинг ишончини йўқотади. Шунинг учун раислар фаолиятининг муҳим жиҳатларидан яна бири — мулоқот маданияти ҳисобланади.

Бу жараёнда муайян меъёрларга риоя қилишни унутманг. Чунки, мулоқотда Сизга нисбатан салбий фикр билдирилса-да, ўзингизни ҳақ деб ҳисобламанг, ноўрин хатти-ҳаракатлардан тийилинг. Сиз муражаат қилувчини тушунишга ҳарқат қилинг, зотан, бир-бирини тушунмаслик ҳар икки томон учун маъқул қарорга келишга халақат беради. Идорага келувчилар билан самимий мулоқотда бўлинг. Мулоқотда суҳбатдош Сизни эшитишни хоҳламаса-да, бир иложини топиб, унинг эътиборини ўзингизга жалб қилинг. Бу ўртадаги муносабатларнинг яхшиланишига олиб келади. Муражаат этувчиларга берилган маълумот етарли асосларга эга бўлишига ҳарқат қилинг. Маълумот хато ёки ёлғон бўлса, мулоқот муваффақиятсиз тугайди.

## МАХАЛЛА РАИСИ — ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР!

Замон шиддати бир жойда тўхтаб турмайди, ҳозирги давр янги-янги талабларни олдинда кўймоқда. Бу жараёнда фақатгина ташкилотчи, ташаббускор бўлиш билан иш битмайди. Раҳбарлик юксак ақл-фаросат, куч-ғайрат, изланиш ва топқирликни, ўз устида тинмай ишлашни, ўрни келганда, зарур тадбиркорликни талаб қиляди.

Фуқаролар йиғинининг молиявий имкониятлари оширилаётган, аҳолига 100 га яқин ижтимоий ёрдамлар (моддий ёрдам, субсидия учун тавсиянома, кафилик ва бошқалар) маҳалланинг ўзида қўрсатилиши йўлга қўйилаётган экан, эндиликда маҳалла раислари ишбилармон, ҳар ичининг кўзини биладиган мутахассс бўлиши талаб этилади.

Сизларга бир жиҳатини эслатай, Президент қарори билан тасдиқланган "Йўл харитаси"га кўра, эндиликда маҳалла раислигига номзодларни, асосан, тадбиркорлик соҳасида катта ютуқларга эришган ва ташкилотчилик қобилиятлари юқори бўлган фуқаролар орасидан танлаш амалиёти жорий этилади. Ҳўш, бу нега керак дерсиз?

Тадбиркор киши ҳаракатдан тўхтамайди, имкон излайди, ўз ишини янада ривожлантиришга, янги-янги фойдаларни ҳаётга татбиқ этишга интилади. Бундай инсонларнинг маҳалла раислигига келиши худудда тадбиркорлик ривожланишига замин яратаяди. Демак, эндиликда Сиз тажрибали тадбиркор сифатида маҳалланинг молиявий имкониятларини янада кенгайтириш, қўшимча даромад манбаларини яратишга интилишингиз даркор. Кредит, субсидия ажратиш билан боғлиқ масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этилар экан, Сизнинг молия

соҳасидан хабардор бўлишингиз, иқтисодчи каби фикрлашингиз муҳим аҳамиятга эга.

## МАХАЛЛА РАИСИ — ЖАМОАТ НАЗОРАТЧИСИ!

Мен истардимки, жамоатчилик назорати ўзининг тарихий илдизларидан қувват олса. Ёши улғў кексаларимизнинг айтишича, азалдан бирор-бир маҳаллага нотаниш киши кириб келса, унга "Кимсиз?", "Қаердансиз?", "Қандай юмуш билан маҳалламизда юрибсиз?" каби саволлар берилган ва бу ҳолат жамоат назорати сифатида намоён бўлган. Маҳалла тартиб-қоидаларига барчанинг амал қилиши шарт бўлган. Кимда-ким бу қоидаларга риоя қилмаса, у маҳаллада ўтадиган тадбирларга, тўй-мъракаларга таклиф этилмаган.

Демак, биз бундан кейин ҳам маҳаллада жамоатчилик назорати ташкилоти охиригача қўрилиши зарур. Қўнилар ишлаши, дастурлар ижроси доимий назоратингизда бўлиши керак. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш шарт эмас, амалий ёрдам берилган. Бу борада жамоатчилик тузилмалари, «Маҳалла назорати» ва «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари жонқурлик кўрсатиши керак. Сиз бунга бош бўлинг!

Асрлар давомида шакллانган қоидаларга кўра, маҳаллада эл сайлаган етакчи учун "беғона" хонадон ёки "нотаниш" кимса бўлмаган. У ҳеч кимга ёмон назар билан қарамаган. Шунинг учун у исталган хонадонга бемалол эшик қочиб кираверган, маҳалладошлар билан сирдош, ҳамфикр бўла олган. Ота-бола, қайнона-келини муносабатларини, бирор хонадондаги носоғлом муҳитни, хуллас, оиланинг оддий иқир-чиқирлигига ўрганиб, ўз муносабатини билдирган, зарур бўлганда, амалий ёрдам берган. Ҳозирги кунда ҳам ҳар бир маҳалла раиси қайси хонадонда ким яшайди, нима иш билан шуғулланади, оила муҳити қай даражада, қандай муаммолари бор, барчасини яхши билиши шарт.

## МАХАЛЛА РАИСИ — МАСЪУЛИЯТ ДЕМАҚДИРИ!

Раис масъулияти ҳамиша муҳим саналган. Масъулият, аввало, ҳар бир кишининг виждони, имони, қолаверса, ўзига нисбатан масъулият ҳиссидан бошланади. Масъулият раҳбарнинг зиммасидаги вазифага жавобгарлик туйғуси, унга бўлган шахсий муносабати билан белгиланади. **Масъулиятли раҳбар, энг аввало, ўзига, сўнгра бошқаларга нисбатан талабчан бўлади.**

Шу маънода Сиз, аввало, ўзингизда масъулият ҳиссини тарбиялаб боришингиз лозим. Бунинг учун ижтимоий ҳаётдан хабардор бўлиш ёки иқтисодий-сиёсий ва касбий билимларни ўзлаштиришнинг ўзига кифоя қилмайди. Сиз илғор етакчилик малакаларини ўзлаштиринг, инсон психологиясини яхши ўrganing. Ўзингизга нисбатан талабчан бўлинг, ҳар кун китоб, газета ва журналларни ўқинг, янгиликлардан доимий хабардор бўлинг, вақтни тўғри тақсимлай олинг.

Яна бир жиҳат — "маҳалла еттилиги"нинг мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик тизими белгилаб берилган. Бу борада маҳалла раислари ўзларининг кунлик, ҳафталик, ойлик ва чораклик иш режаларини аниқлаб олишлари зарур.

Демак, Сиз маҳаллада "Обод маҳалла", "Обод кўча", "Обод хонадон" мезонларини жорий этиш, ҳар ойда бир мартаба хашар уюштириш чораларини кўринг.

Ҳар ойда камидан 5 та давлат органлари вакиллари маҳалла Кенгашида ахборотини эшитинг. "Еттилик"нинг ҳар ойда камидан 10 тадан муаммолар масалани ҳал этишни назоратга олинг.

Маҳаллада "Сайхунobod тажрибаси"ни жорий этиш чораларини кўринг.

Мақтабда давомиат ва ўқувчиларнинг таълим олиш жараёнига эътиборли бўлинг, "мақтаб — ота-она — маҳалла" занжирини тизимли йўлга қўйинг.

Маҳалла еттилиги"нинг ўз вақтида ишга келиши ва кетишини назорат қилиш Сизнинг зиммангизда. Ёдда тутинг, Сиз давомиатни (табели) юритиш, уларнинг фаолиятини баҳолаш ҳамда рағбатлантириш ёки лавозимидан озод этишигача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича тақдимнома киритиш ҳуқуқида эгасиз.

Маҳалладаги кўчабоши ва уйбошлар билан суҳбатлашиб, маҳалладаги вазиятни ҳар томонлама ўранинг.

Меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар билан тизимли ишланг, "Маҳалла бюджети"ни шакллантиришда фаол бўлинг. Уйма-уй юриш тизими асосида хонадонларда миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни тарғиб қилинг.

\*\*\*

**Ҳурматли маҳалла раислари! Юқоридагилар — ҳар бирингиз кундалик иш фаолиятингизда дуч келадиган масалалардир. Агар ҳар ишда қатъиятли, талабчан, ташаббускор, фидойи бўлсангиз, халқ розилиги йўлида тинмай меҳнат қилсангиз, Сиздан кутиладиган натижага эришасиз. Бунинг учун ҳар бир маҳалла раиси:**

- кўнгли очик, қалби ва кўли тоза, ақл-заковат соҳиб, маънавий жиҳатдан шаклланган бўлиши керак, зиммасидаги масъулиятни доимо ҳис қилиб яшамоғи лозим;
- барча қилган ишлари одамлар ҳаётига ижобий таъсир кўрсатмоғи керак. Кимларгадир яхши кўриниш, мақтаниш учун қилинган ишлар раис ҳақида салбий фикрлар туғилишига олиб келиши мумкин;
- халқи ва Ватанига фидойилик, ташаббускорлик, қатъият ва талабчанлик бўлмоғи шарт;
- адолатсизликка асло йўл қўймаслиги лозим;
- ўз шахсий ҳаёти, турмуш кеңиришида бошқаларга ўрнатилган бўлмоғи керак. Етакчи сифатида ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган инсон бўлиши зарур;
- ҳаётга фаол муносабатда бўлиши, одамлар кўнглида орзулар уйғотиши ва уларни ўз ортидан эраштири олиши шарт;
- даврнинг тезкор талабларига тўла жавоб бера оладиган, юксак тафаккур соҳиб, кенг ва чуқур билимли, маҳалла етакчиси сифатида мустақил фаолият кўрсата оладиган бўлиши лозим.





“Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтини ташкил этиш тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.



Президент қарори билан АБДУЛЛА АВЛОНИЙ номидаги педагогик маҳорат миллий институти ташкил этилади.



Президент фармони асосан, энг намунали боғчаларда ГИМНАСТИКА ХОНАЛАРИ ташкил қилинади.

ТАШАББУС

# “Хомашё етказиб берувчидан ишлаб чиқарувчига айлантишимиз”

“Меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштириш ҳамда хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармониға кўра, маҳалламизда меҳнат мигрантларини ватанга қайтариш, бандлигини таъминлаш бўйича йилдан-йилга ижобий ўсиш кузатишмоқда. 2024 йилдаги ҳатловда 89 нафар меҳнат мигранти рўйхатга олинган бўлса, бугун уларнинг 40 нафари доимий ишга эга.

Алишер АШУРОВ,  
Ғиждувон туманидаги “Сайдикент” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Бир қарашда шунча меҳнат мигрантини ватанга қайтариш, оиласи бағрида бандлигини таъминлаш оддий ҳолдек туюлади. Аммо натижага эришиш осон бўлмади. Уларнинг ҳар бири билан индивидуал иш олиб бордик. Нима қилсак, хориждагидан кам бўлмаган иш ўрни яратиш бера оламиз, деган саволга жавоб кидирдик.

Нилуфар Беккулова бир неча йилдан бери турмуш ўртоғи билан хорижда ишлаб келарди. Улар билан суҳбатлашиб, ватанга қайтса, қандай имконият борлигини тушунтирдим. Ўз навбатида ҳар икки фуқаронинг қизиқиши, касбий лаёқатини ўргандим.



Маълум бўлишича, эр-хотин хорижда пишириқ ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат қиларкан. Демак, уларда шу йўналиш бўйича касбий малака, тажриба бор. Шунинг билан суҳбатлашганда, субсидия асосида пишириқ ишлаб чиқариш асбоб-ускунаси олишга кўмаклашишга ваъда бердим. Суҳбат жараёнида эр-хотин иссиқхона йўналишида малакага эгаллиги маълум бўлган, субсидия асосида



иссиқхона куриб бериш имкониятимиз борлигини билдирдим. Таклифим маъқул келди. Кўп ўтмай, оила ватанга қайтди. Ваъдага кўра, кредит асосида аввал пишириқ учун асбоб-ускуна билан таъминладик. Кейинги босқичда иссиқхона куриб бердик.

Мени қувонтирган бир жиҳатни айтиб ўтишим лозим. Оилага ҳар икки ёрдамни субсидия асосида кўрсатмоқчи бўлган-

дик. Аммо Нилуфар Беккулова давлатдан қарздорлигимизни хис қилиб турсак, масъулият — янги ишлашга ундайди, деди. Шу боис ҳар икки ёрдам кредит орқали кўрсатилди.

Бугун оила меҳнатларининг дастлабки ҳосилини олди. Биринчи экинга экилган боронинг харидорлар дастурхонидан жой олди. 2 сотихли иссиқхонадан даромад 26 миллион сўмни ташкил этди. Иккинчи

экинга экилган булғор қалампирдан яна шунча даромад кутиляпти. Бундан ташқари, ширинлик ва пишириқ сотувидан ойига 5 миллион сўм фойда келмоқда.

Меҳнат кўргазмалари орқали ҳам хориждан қайтган мигрантлар ва уларнинг оила аъзосини ишга жойлаштиришга эришяпмиз. Қуни кеча ўтказилган меҳнат кўргазмасида тумандаги 10 та ташкилот 152 та бўш иш ўрни билан қатнашди. 22 нафар ишсиз фуқаро тумандаги ташкилотларга йўлланма асосида ишга жойлаштирилди. 55 нафар хотин-қиз тикувчилик касбига ўқитиш учун тайёрлов курсига йўналтирилди. 2 нафар меҳнат миграциясидан қайтган фуқарога субсидия асосида мотокультиватор берилди. 30 нафар меҳнат мигрантига кредит ва субсидия ажратилди. Маҳалламизда яшовчи Умиджон Ражабов туман ободонлаштириш бўлимига ишга қабул қилинди.

Бугунги кунда аксарият хонадонларда иссиқхона бор. Уларда етиштирилган помидор, бодринг, булғор қалампир, асосан, кўшни вилоятларга сотилмоқда. Бу бир жиҳатдан яхши. Аммо иккинчи тарафдан фақат хомашё етказиб берувчига айланиб қолганимиз. Шу боис тадбиркорларимиз туман ҳокимлигига ҳудудимизда қайта ишлаш корхонаси ташкил этиш таклифини билдирди. Таклиф маъқулланиб, ер ва маблағ масаласи ижобий ҳал этилди. Корхона ишга тушса, юзлаб янги иш ўринлари яратилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Давронбек ДҮСЧОНОВ,  
Хонқа туманидаги “Ойдин ҳаёт” маҳалласи:

— Маҳаллада иш ўринлари яратиш, бандлиқни таъминлаш мақсадида ташкил этилган касаначиликни қўллаб-қувватлаш, соҳани ривожлантиришга доир қандай чоралар белгиланган?

## Касаначилар қўллаб-қувватланади



Шоҳида ШОМУТАЛОВА,  
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги масъул ходими:

— Президентнинг “Касаначиликни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва даромадларини кўпайтириш учун иш берувчиларга ўзини ўзи банд қилган шахсларни касаначилик сифатида товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш фаолиятига жалб қилишга рухсат берилган.

Касаначилик сифатида жалб қилинган ўзини ўзи банд қилган шахсларга касаначилик фаолияти учун назарда тутилган имтиёз ва преференциялар билан бирга, ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган имтиёз ва преференциялар ҳам қўлланилади. Қарор асосида ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган 19 та қўшимча фаолият турлари рўйхати тасдиқланган.

2023 йил 1 мартдан 2026 йил 1 январга қадар уч ойдан ортқ мuddатга ўттиз нафардан зиёд касаначиларни белгиланган тартибда жалб қилган ва касаначилик асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот(кўрсатилган хизмат)ларни сотишдан олган даромадлари жами даромадининг 60 фоизидан кўпрогини ташкил этган тадбиркорлик субъектлари учун:

фойда солиғи ва айланмадан олинadиган солиқнинг солиқ базаси 50 фоизга камайtirилган ҳолда, бироқ тадбиркорлик субъекти касаначиларга тўлаган иш ҳақи миқдорининг 1,5 бараваридан ошмаган миқдорда ҳисобланади;

давлат мулки объектларидан фойдаланганлик учун ишара тўловлари 50 фоиз миқдорда белгиланади;

давлат харидлари доирасида тузилadиган шартномаларда бюджет бюрутмачиларидан 50 фоиз миқдорда олдиндан тўловни амалга ошириш назарда тутилади.

2023 йил 1 мартдан бошлаб, касаначиликни молиявий қўллаб-қув-

ватлаш чоралари Касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Бунда тадбиркорлик субъектларига ҳар бир касаначилик дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир ойлик ўртача даромади миқдоридан бир марталик субсидия улар касаначиликни ташкил этган маҳаллалар жойлашган ҳудуддан қатъи назар ажратилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига қуйидаги субсидиялар ажратилади:

2025 йил 1 январга қадар касаначилик билан шугулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, шунингдек, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ешлар дафтари” ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хомашё харид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун БҲМнинг 30 бараваригача миқдорда бир марталик;

касаначилик асосида уй шароитида ишлаётган ноғиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилган иш жойи бўйича БҲМнинг 40 бараваригача миқдорда;

касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларини уч ойгача бўлган мuddатда қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун ҳар ойда БҲМнинг 2 бараваригача миқдорда.

Ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдириш учун:

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ҳар бир жалб қилган касаначи учун 2 миллион сўмгача, бироқ жами 300 миллион сўмгача йиллик 14 фоиз ставкада, 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача мuddатга револьвер кредитлар ажратилади;

Жамғарма ҳисобидан ҳар бир жалб қилинган касаначи учун 1 миллион сўмгача, бироқ жами 150 миллион сўмгача 2 йилгача мuddатга фойсиз суда ажратилади.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИГА ЙЎРИҚНОМА

## Уй-жой шароитини яхшилаш модулини тўлдиришни биласизми?

Президентнинг 2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинган.



Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда тайёрланди.

Фармонга кўра, бир ой мuddатда “Онлайн маҳалла” электрон платформасида Камбағалликдан чиқариш дастурига киритилган ва уй-жой шароитини яхшилашга мухтож бўлган оилаларнинг рўйхатини юритиш имкониятини яратиш вазифаси белгиланган.

Платформада Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг уй-жой шароитини яхшилаш модули очил-

ди. Мазкур модул орқали ҳоким ёрдамчилари бирламчи рўйхат шакллантириши мумкин. Жараёнда иккита йўналишда ҳар бир маҳалладан фақат 10 тагача хонадон ҳақидаги маълумот киритишга рухсат берилган.

Рўйхат шакллантиришнинг биринчи турида янги фуқаронинг маълумоти киритилиб, бандлик ҳолати белгиланади. Уй-жойини таъмирлашга бўлган талаби, ке-

рак бўладиган сумма, харитадан хонадон белгиланиб, сақланади. Қўшимча равишда иккинчи марта модулга кириб, хонадондаги оила аъзолари маълумоти ҳам сақланади. Бу бирламчи маълумотлар сақланганига асос бўлади.

Модулни тўлдиришнинг иккинчи тури орқали кредит олишга тавсия этиладиган хонадон индивидуал дастурга киритилган хонадонлар таркибидан белгиланади. Бунда ҳам фуқаролар ҳақидаги маълумот биринчи шаклдаги каби тўлдирилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, талаб этиладиган маблағни белгилашда максимал сумма 120 миллион сўмни 120 рақамда кириштириш мумкин. Чунки платформада бу қисм миллион сўмда белгиланган. Демак, 120 рақами ёзилган 120 миллион сўм назарда тутилганини билдирди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир маҳалладан 10 тагача хонадон рўйхатга киритилади. Рўйхатга ўзига тўқ хонадонларни қўшмаслик керак.

БИЛАСИЗМИ?

## Кредит ва субсидиянинг қандай фарқи бор?

Тадбиркорлик фаолиятидаги хавф-хатарларни ҳолис баҳолаш учун бўлажак тадбиркор ўзининг бошланғич маблағлари ҳисобиға бизнесини куради. Ўз маблағи етарли бўлмаганда тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит ва субсидия олади.

Кредит — бу кредит ташкилотлари, масалан банк томонидан ажратиладиган қарз маблағи. Пулни қарз сифатида олиб ишлатгани учун фойза тўлайди ва миқдорларига қарзга бергани эвазига фойза ундиради. Тўланган ва ундирилган фойзалар ўртасидаги фарқ банкнинг даромади ҳисобланади.

Кредит, асосан, маълум бир мақсадга, мuddатга, таъминот остида, уни сўндириш графиги асосида ва қарздорнинг тўлай олиш қобилиятига қараб ажратилади. Бу — кредитнинг асосий тамойили ҳисобланади. Чунки банк кредит бериш учун жалб қилган маблағларини омонатчи ва депозит эгаларига фойза билан бирга ўз вақтида қайтариши, харажатларини қоплаши ва кредитни қайтиш ёки қайтмаслик ривисини олдиндан баҳолаши лозим. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир банк кредитлар бўйича фойза ставкасини мустакил белгилайди. Кредит аҳолиға, хусусий тадбиркорларға, йирик корхоналарға ва ҳаттоки давлатларға берилиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ажратила-

диган кредитлар бошланғич сармоя, айланма маблағни тўлдириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш каби мақсадлар учун қисқа ва узок мuddатларда ажратилади. Фойза давлат дастури асосида имтиёзли равишда ёки банкнинг ўз маблағи ҳисобидан, лекин имтиёзли кредитларнинг фойзидан фарқли равишда ажратилиши мумкин. Бир сўз билан айтганда кредит бу совға эмас, у молиявий мақсадга эришиш учун имконият.

Субсидия кредитдан фарқ қилади. У давлатдан маълум бир соҳаларни ривожлантириш ва рабатлантириш мақсадида қайтариб







Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини касбий ривожлантиришнинг ВЕРТИКАЛ ТИЗИМИ йўлга қўйлади.



“Тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ” тасдиқланди.



Давлат хизматларини кўрсатишда шахсни **БИОМЕТРИК ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ (Face-ID)** усули жорий қилинади.



ТАШАБУС

## Илк бор “Етакчи спартакиадаси” ташкил этилмоқда

Шахзодбек ҚАЮМОВ, Ёшлар ишлари агентлиги ходими.

Бу орқали етакчиларни доимий тарзда спорт ҳамда интеллектуал ўйинлар билан шуғуланишлари учун имконият яратиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш кўзланган.

Спартакиада мусобақа ҳамда интеллектуал турнир шаклида, тўрт босқичда (маҳаллалараро сектор, секторлараро туман(шаҳар), туман(шаҳар) лараро худудий ва худудлараро республика) ўтказилади. Иштирокчилар “Мини-футбол”,

“Волейбол”, “Шахмат”, “Стол тенниси” спорт мусобақалари ва “Зукко китобхон”, “Заковат”, “Ибрат фарзандлари” интеллектуал ўйинлари бўйича куч синашади.

Иштирок этиш учун етакчилар yoshlarportal.uz сайти орқали электрон тарзда ариза қолдиради. Лойиҳалар доирасидаги жамоавий мусобақа ва турнирларда мавжуд секторда бир ва ундан ортиқ жамоаларга етadиган иштирокчилар yoshlarportal.uz сайти орқали ариза топширган тақдирда секторлараро туман(шаҳар) босқичи ўтказилишига рухсат этилади. Лекин яққалик бахслар маҳаллалараро сектор

босқичидан бошланади.

Сектор босқичи – етакчилар ўртасида ҳар йили июль ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилади. Мазкур босқич ғолиблари кейинги маҳаллий босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади. Маҳаллий босқич – туман(шаҳар) етакчилар ўртасида секторлар кесимида жамоага бўлинган ҳолда ҳар йили июль ойининг иккинчи ўн кунлигида бўлади. Худудий етadиган иштирокчилар yoshlarportal.uz сайти орқали ариза топширган тақдирда секторлараро туман(шаҳар) босқичи ўтказилишига рухсат этилади. Лекин яққалик бахслар маҳаллалараро сектор

босқичи – ҳар йили август ойида ўтказилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида шакллантирилган жамоалар қатнашади.

Шахмат, стол тенниси мусобақаси ва “Ибрат фарзандлари” олимпиадаси ғолиб ва совриндорлари шахсий (яққалик) биринчилик яқунлари бўйича, мини-футбол, волейбол, “Зукко китобхон” ва «Заковат» интеллектуал ўйини умумжамоа натижаларига кўра аниқланади.

Тошкент шаҳридаги туман(шаҳар) лар кесимида жамоага бўлинган ҳолда ҳар йили июль ойининг учинчи ўн кунлигида ташкилланади. Республика

Маҳалладаги ёшлар етакчилари ўртасида илк мартаба жорий йилнинг июль-сентябрь ойларида “Етакчи спартакиадаси” турнири ўтказилмоқда. Мақсад – маҳалладаги ёшлар етакчиларини жисмонан соғломлаштириш ва интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашдан иборат.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Дилафрўз АЛЛАЁРОВА, Пайариқ туманидаги “Тошҳовуз” маҳалласи: – Ёшларга бир марталик моддий ёрдам бериш тартиби қандай? Моддий ёрдам олган йигит-қизлар “Ёшлар дафтари”дан чиқариладими?

## ЁРДАМ ОЛГАНЛАР ДАФТАРДАН ЧИҚАРИЛАДИМИ?



Нодирбек АБДУҚОДИРОВ, Ёшлар ишлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари:

– Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, ушбу йўналишда низом ишлаб чиқилган. Низомга кўра, “Ёшлар дафтари”га киритилган моддий ахволи оғир ёшларга бир марталик моддий ёрдам ҳар бир индивидуал ҳолатда ариза берувчининг ҳаётий вазияти мураккаблигини, унинг ижтимоий ҳимояга муҳтож эканлигини инобатга олган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорда тўлаб берилади.

Моддий ёрдам шахсга бир календарь йил давомида бир мартаба берилиб, бу ҳолат уни “Ёшлар дафтари”дан чиқаришга асос бўлмайди.

БЎЛАР ЭКАН-КУ!



## Миграциядан қайтган ёшлар ҳам мулкдор, ҳам пулдор бўлди

Руслан Қурбонов 5 йил давомида оиласидан узокда хорижда ишлаб, мусофирчиликда рўзгор камини тўлдиринишга мажбур бўлди. Бу йил юртга қайтганидан сўнг унга ўзинида ишлаб, даромад тошни бўйича бир неча таклиф бердим. Айниқса, ёшларга Президент ташаббуси билан ер ажратилаётгани ҳақидаги янгилик Русланин қизиқтириб қолди. Маҳалла кўмағида унга 50 сотих ер ажратилди.

Обид АСҚАРОВ, Чироқчи туманидаги “Чоршанба” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Хозирда деҳқончилик қилиб, тарвуз етиштирмоқда. 2 апрелда ерга уруғ қадагани. Уруғлик олиб бериб, агротехник тадбирларга кўмаклашдик. Етиштирилган ҳосил хорижга экспорт қилиниб, ҳар бир палакдаги 15-18 килолик тарвуздан тахминан 25-30 миллион сўм соф даромад олиш кутилапти. Шунга яраша даромад яхши бўлиши кўзланмоқда. Тарвуз ҳосили йиғиб олинганидан сўнг такрорий экин экилади.

Маҳалламизда Руслан Қурбонов каби жами 10 нафар миграциядан қайтган ва 9 нафар иш билан банд бўлмаган

ёшларга 50 сотихдан, жами 9,5 гектар ер бўлиб берилган. Улар бугун “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида оиласи даромадига хисса қўшиб келмоқда. Тажрибали деҳқонларнинг тавсиясига кўра тарвуз, помидор, нўхат, картошка каби маҳсулотлар етиштирмоқда. Масалан, Қувончбек Каримов ўзига бириктирилган 50 сотих ерда картошка етиштираётган бўлса, Холбой Эгамбердиев тарвузнинг биринчи, иккинчи ҳосилдан 30 миллион сўм даромад олди.

Маҳалламизда жами 840 нафар ёшлар бўлиб, хатловда 51 нафари миграцияда экани аниқланган. Уларни ҳам ватанга, оиласи бағрига қайтариш, бандлигини таъминлаш учун “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорлик қиляпмиз. Телеграм

гурӯҳида тарғибот олиб борапмиз. Ҳар бири билан индивидуал суҳбатлашяпмиз. Кеча узга юртда мусофирчиликда юрган ёшлар оиласи бағрида яхши даромад топаётганини кўрган тенгдошларининг 70 фоизи йил охиригача қайтиб, ўзимизда ишлаш ниятини билдирди.

Бундан ташқари, ҳар чоракда ёшлар билан учрашиб, қизиқини ўрганамиз. Сўнгги ўрганишда мактаб битирувчиларининг аксарияти “IT” соҳасига қизиқиши юқорилигини билдирди. Аммо маҳаллада ахборот технологиялари, дастурчиликка ўқитадиган марказ ёки курс йўқ. Шу боис маҳалламизда “IT”га ихтисослашган ўқув марказ очиш таклифини ишлаб чиқдик. Агар шу режамиз амалга осса, битирувчи ёшларга қулайлик яратилади.

БИЛАСИЗМИ?

## Ер нархини фоизсиз, бўлиб тўлаш мумкин

“Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонида кўра, 2024 йил 1 мартдан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришда очик электрон танлов ўрнига электрон онлайн аукцион савдолари жорий этилди. Бунда:



ер участкалари электрон онлайн аукцион савдолари орқали 30 йилга ижарага берилади, бошланғич нарх ер участкасининг норматив қиймати миқдорида белгиланади;

ер участкаларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари нархини 3 йил муддатда ҳар ойда тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади;

деҳқон хўжалиги, яқка тартибда боғдорчилик, поллизчилик ва чорвачиликни юритиш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари ғолиби бўлган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган фуқароларга ер участкаси нархини 5 йил муддатга тенг улушларда фоизсиз бўлиб тўлашга рухсат берилади.

Мумтозбек МЕЛИҚЎЗИЕВ, Ёшлар ишлари агентлиги бош мутахассиси.

## Ёшлар қонунга итоаткор бўлса...

“Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги Президент фармонида “Мамлакат келажаги – қонунга итоаткор ва ҳуқуқбузарликка тоқатсиз ёшлар билан” ғояси асосида ҳуқуқий иммунитет шакллантирилиши белгиланган.



Мақсад – ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш, уларда қонунларга ҳурмат, мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳамда ватанпарварлик хиссини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш.

Адлия органлари ва муассасаларига ёшларнинг ташрифини ташкил қилиш орқали “Тенгдошимга ҳуқуқий ёрдам” тадбирларини ўтказиб борилади. Ёшларнинг ҳуқуқий билимини юксалтиришга қаратилган онлайн ҳуқуқий саводхонлик мактабини ташкил этиш орқали бепул ҳуқуқий ўқув курслари жорий этилади.

Таълим муассасаларида “Ҳуқуқий билимлар ойлиги”ни ўтказиб бориш ва ёшларнинг ҳуқуқий билим олишини рағбатлантиришга қаратилган турли ҳуқуқий мавзулардаги семинар-тренинг ва талловлар ташкил қилинади.





**Тижорат банкларида ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ҚОЛДИҒИ 432 миллиард сўмга ўсган.**



**Ўзбекистонда ўтган йилда СУҒУРТА МУКОФОТЛАРИНИНГ умумий ҳажми 7,2 триллион сўмни ташкил этган.**



**“ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” жамғармаси 2024 йилги 1-очик стипендия танловини эълон қилди.**

**СОЛИҚЧИ ТАКЛИФИ**

# Мақтабларда солиқ бўйича дарслар ўтилиши керак

**Мақсуда БАЙЖАНОВА,** Урганч туманидаги “Тандирчи” маҳалласи солиқ инспектори.

Солиқ инспекторларининг “маҳалла еттилиги” таркибига киритилиши аҳоли ва тадбиркорларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Бугун улар ўзини қийнаётган саволларга туман марказига бориб эмас, ўз маҳалласидаги солиқ инспекторларидан жавоб оляпти. Натижада аҳолининг солиқларни ўз вақтида тўлаш масъулияти ортиб, солиқ тушумлари ортмоқда. “Тандирчи” маҳалласида солиқ инспектори сифатида фаолият бошлаганимдан сўнг жорий йил июнь ойининг 26 санасига қадар жами йиллик кўрсаткичи 63,8 фоизга бажардим. Агар

маҳаллаларга солиқ инспектори бириктирилмаган йилни, яъни 2023 йилнинг 10 ойи давомида қарайдиган бўлсақ, йиллик кўрсаткич атиги 49,5 фоизга бажарилган. Жорий йилнинг 5 ойи давомида режадаги 1 миллиард 102 миллион сўм ўрнига, 1 миллиард 344 миллион сўмга етказдим.

Ушбу маҳалла аҳолисининг аксарияти давлат ташкилотларида меҳнат қилади. Агар маҳалла идорасида барча солиқларни тўлаш имконини берадиган инфокиоск қурилмаси ўрнатилса ёки тўлов терминали етказиб берилса, солиқ тушумлари янада тез амалга ошириларди.

Фаолиятим давомида шунга амин бўляпманки, аҳоли ва тадбиркорларда солиқ масъулияти, мажбурияти ҳақида тўлиқ тушунча йук. Бу бўйича

тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бораёямиз. Агар ўқувчиларга солиқ ҳақидаги билимлар мактаб давридаёқ ўтилса, келажакда солиқ тўловчилар ортидан қувиб юришимизга ҳожат қолмайди. Шу боис, мактаб ва университетлар таълим дастурига маълум муддат солиқ соҳаси бўйича дарс соатлари киритилиши керак. Тадбиркорларга ҳам солиқ тўловлари бўйича ўқув-семинарлар ташкил этиш зарур.

**Унутманг,** сизу биз тўлаб келаятган солиқлар Ватанимиз чегараларининг мустаҳкамланишига, фарзандларимизнинг сифатли таълим олишига, маҳаллаларимизнинг обод бўлишига, шунингдек, пенсионерларимизнинг нафақаларини ўз вақтида олишига хизмат қилади.



Агар ўқувчиларга солиқ ҳақидаги билимлар мактаб давридаёқ ўтилса, келажакда солиқ тўловчилар ортидан қувиб юришимизга ҳожат қолмайди.

**СОЛИҚЧИ – ҚўМАКЧИ**



Нодирабегим номидаги маҳалла фуқаролари йиғини туманнинг энг илғор маҳаллаларидан бири. Сабаби, бу ерда тадбиркорликнинг турли йўналишлари йўлга қўйилган.



**МЕНДА САВОЛ БОР...**

**Ботир ЭШҚУВВАТОВ,** Тошкент вилояти:

– Умумий овқатланиш хизмати билан шуғулланиб келамиз. Фаолиятимизда онлайн назорат-касса техникасидан ташқари бошқа ҳисобга олиш тизими (дастурий маҳсулот)-дан ҳам фойдаланамиз. Бу ноқонунийми?

## Турли ҳисобга олиш тизимидан фойдаланиш ноқонунийми?

**Дилдора ҲОШИМОВА,** Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати раҳбари:

– Ўзбекистон ҳудудида аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари Давлат реестрига киритилган ва солиқ органлари ахборот тизимлари билан интеграция қилинган онлайн назорат-касса техникалари (онлайн-НКТ)дан фойдаланиши шарт. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчасида онлайн-НКТ билан бир вақтда бошқа турдаги (иккиламчи) фискал маълумотлар ҳисобини юритиш тизимларидан фойдаланиш тақиқланади.

Шунга кўра, чакана савдо ва умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари фақат Давлат реестрига киритилган ва солиқ органлари ахборот тизимлари билан интеграция қилинган дастурий маҳсулотлардан фойдаланиши лозим.

**Маълумот учун:** ofd.uz сайтида Давлат реестрига киритилган онлайн-назорат касса техникалари рўйхатини ва улардан фойдаланиш бўйича маълумотларини олиш мумкин.

**Фискал маълумотлар** — ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотлар, ҳисоб-китобларни амалга оширувчи тадбиркорлик субъекти тўғрисида маълумот, ҳисоб-китобда фойдаланиладиган онлайн-НКТ, виртуал кассалар, Маркетплейс ёки оператор томонидан яратилган бошқа маълумотлар.

## АОС тўловчиси ҳисоботларни қандай топширади?



Солиқ даври давомида солиқ тўловчиларнинг жами даромади 1 млрд. сўмдан ошган кундан эътиборан улар қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ва фойда солиғини тўлашга ўтади. Айланмадан олиннадиган солиқ (АОС) тўловчи ҳисобот охирида **ҚҚС тўлашга ўтганда**, мазкур ҳисобот охирида АОС ва **ҚҚС ҳисоботини тақдим этиши лозим.**

Бунда:  
• **ҚҚС тўловчиси бўлган санага** амалга оширилган операциялар, расмийлаштирилган Электрон ҳисобварақ-фактура (ЭХФ) ва онлайн назорат-касса техникаси (онлайн-НКТ) чеки суммаси **АОС ҳисоботида**;  
– **ҚҚС тўловчиси бўлган санадан кейин амалга оширилган амалиётлар ҚҚС ҳисоботида автоматик равишда акс этади.**

**ҚўЛЛАНМА**

## ҚҚСни қайтариб олиш учун ариза шарт эмас...



Умумий тартибда 30 кун ичида, тезлаштирилган тартибда эса 7 кундан кечиктирмай кўриб чиқади ва салбий фарқ суммасини қайтарилиши ҳақида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига қарор нуسخасини юборади.

**Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ,** Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Солиқ тўловчи қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)нинг салбий фарқ суммасини қайтариб олиш учун **алоҳида ариза тақдим этмасдан** ҚҚС ҳисоботини тақдим этиш жараёнида ушбу суммани кўрсатиб ўтиш орқали солиқ органларини хабардор қилиши мумкин.

Бунинг учун ҳисобот шаклининг **“Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси тўғрисида маълумот”** бўлимида тегишли жадал жойлаштирилган. Сарик катакчаларда маълумотлар автоматик равишда тўлдирилади. **Қўқ катакчаларга қуйдагилар қўлда киритилиши лозим:**

- қайтарилгани талаб этиладиган солиқ суммаси;
- ҚҚС салбий фарқ суммасини келгуси тўловлар учун ҳисобга олиш талаби;
- қайтарилгани тартиби: умумий ёки тезлаштирилган.

Солиқ органлари мурожаатларни маълумот олинган кундан бошлаб умумий тартибда **30 кун ичида**, тезлаштирилган тартибда эса **7 кундан кечиктирмай** кўриб чиқади ва салбий фарқ суммаси қайтарилиши (ёки қайтариш рад этилганлиги) ҳақида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига қарор нуسخасини юборади.





Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби "УМУМТУРКИЙ ЛУФАТ" яратишни тақлиф қилди.



Тошкент шаҳрида Мўғулистоннинг ИЛК ЭЛЧИХОНАСИ очилди.



Январь-май ойларида Хитой Ўзбекистоннинг ЭНГ ЙИРИК САВДО ШЕРИГИ сифатидаги ўрнини сақлаб қолган.

БИЛИБ ҚҲЙИНГ!

## Профилактика инспектори аҳоли олдига қандай ҳисобот беради?

Президентнинг 2017 йил 18 апрелдаги "Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлишлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ички ишлар вазирлигининг буйруғи билан Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланган.

Хужжатга кўра, профилактика инспекторлари ўзларига бириктирилган ҳудуддаги тегишли фуқаролар йиғинларида ҳар ой якуни бўйича ҳисобот беради. Йиғин ўтказилишидан 3 кун олдин бу ҳақда фуқаролар йиғинида кўринадиган ҳақда эълон осиб қўйилади ҳамда аҳолига етказиш чоралари кўрилади. Профилактика инспектори фаолиятига аҳоли ҳаққоний баҳо беришни таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғини раиси ҳудуддаги уйлар аҳолиси (уларнинг вакиллари) қатнашишини таъминлайди. Йиғинга

фуқароларни турли сабаблар билан қатнашишини таққиллашга йўл қўйилмайди. Профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш якунига кўра, улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўриладиган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилди. Шунингдек, эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади ҳамда ички ишлар органи бошлиғига тақдим этилади. Фуқаролар йиғини унда қатнашиш

ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир. Фуқаролар йиғинини чақиришнинг имкони бўлмаганда фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Фуқаролар вакилларининг йиғилиши, агар унда фуқаролар вакилларининг камиди 2/3 қисми қатнашса, ваколатлидир. Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) қарор унда қатнашганларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда йиғинни (йиғилишни) олиб борувчи масулларнинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.



Профилактика инспектори фаолиятига аҳоли ҳаққоний баҳо беришни таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғини раиси ҳудуддаги уйлар аҳолиси (уларнинг вакиллари) қатнашишини таъминлайди.

### ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ



Хонадон Миллий гвардия қўриқлаш пултига уланган. Агар эрлари спиртли ичимлик ичиб келиб жанжал қиладиган бўлса, аёллари пултига босиб, Миллий гвардия ходимларига хабар беради.



### МЕНДА САВОЛ БОР...

**Анора МУСЛИМОВА,**  
Андижон вилояти:  
– Ота-онанинг вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбурияти ҳусусида тушунча берсангиз?

## ОТА-ОНАДАН АЛИМЕНТ УНДИРИЛАДИМИ?



**Мамлакатхон ТОШМАТОВА,**  
Фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро суднинг судьяси:

– Оила кодексининг 96-моддасида ота-онанинг вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбурияти ҳақида кўрсатилган. Ушбу кодексдаги қонун талабига кўра, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она) дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онанинг бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек, ўн тўрт ёшга тўлган бола вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлидир.

## “Низоли, ичкиликка ружу қўйган оилалар алоҳида назоратда”

Оила тинч бўлса, маҳалла тинч бўлади. Шу боис “маҳалла еттичилиги” билан низоли, ичкиликка ружу қўйган оилалар билан алоҳида ишлаяёмиз. Саккизта оила бекасига ҳимоя ордери бердик.

Аҳоли осойишталигини таъминлаш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш – бош мақсадимиз. Албатта, халқимиз тинч ва осуда ҳаёт кечириши учун профилактика инспекторига ишончи юқори бўлиши, ўзининг ҳавфсизлиги кафолатини бизнинг тимсолимизда кўра олиши лозим.

Шу боис бевоқиф “маҳалла еттичилиги” билан ҳамкорликда ҳар бир оила ва хонадондаги муҳитни, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий, инфратузилма ва бошқа соҳалар билан боғлиқ муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этиш чораларини кўряёмиз. Алоҳида ишлашни талаб этадиган

фуқаролар билан ижтимоий профилактик тадбирлар ўтказиш учун улар “еттилик”нинг ҳар бир аъзосига йўналишларидан келиб чиқиб бириктирилди.

Оила тинч бўлса, маҳалла тинч бўлади. Шу боис “маҳалла еттичилиги” билан низоли, ичкиликка ружу қўйган оилалар билан алоҳида ишлаяёмиз. Саккизта оила бекасига ҳимоя ордери бердик. Қувонарлиси, бу ўз самарасини бермоқда. Хозирча ҳимоя ордери олган оилаларда тинчлик ҳукмрон.

Яна иккита оила бошлиқлари ичкиликка ружу қўйгани учун уларнинг хонадони Миллий гвардия қўриқлаш пултига уланган. Агар эрлари спиртли ичимлик ичиб келиб жанжал қиладиган бўлса, аёллари

пултига босиб, Миллий гвардия ходимларига хабар беради. Бу тизим ҳам ижобий натижа бермоқда. Шу боис буни янада кенг оммалаштириш режамиз бор.

Аҳоли сони ўн мингдан ортиқ. Шунга яраша маҳалланинг ҳам ўз ташвишлари бор. Аввало, ҳудуд ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида аҳоли гавжум масканлар – мактаб, боғча, масжид ва чойхоналар атрофига кузатув камералари ўрнатдик. Ҳозир тадбиркорга тегишли бир бинода фаолият юритяёман. Келгусида “маҳалла еттичилиги” билан бир бинода ёки ўз хизмат биномизга эга бўлса, бутун ҳудудни кузатиб туриш учун камераларни бир жойга интеграция қилаёмиз. Утган йили ака-ука жанжали сабаб,

“сарик” тоифага тушганмиз. Энди “яшил” тоифага чиқиш учун 24 та кўчанинг ҳар бирига кузатув камералари қўймоқчимиз.

Хорижга узоқ муддатга ишлаш учун кетган фуқароларимиз ва уларнинг оила аъзолари доимий эътиборимизда. Яқинда 228 нафар мигрантимизнинг ҳар бири билан гаплашиб, яна бир бор иш ва яшаш шартитларидан хабардор бўлдик. Муаммо ва тақлифлари билан кизикдик. Шўқрики, барчасининг иши, яшаш шароити яхши экан.

**Ақром ГУЛМУРОДОВ,**  
Жиззах шаҳридаги Амир Темур номидаги маҳалла катта профилактика инспектори.

## Ҳаром луқма ҳалокатга элтади

Бежизга ҳалол луқма ҳақида кўйлаб ривоятлар, ибратли ҳикоялар, мақолалар яратилмаган.

**Нилуфар ИСОХОНОВА,**  
Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати бошлиғи.

Маънавий бойлик ҳамisha моддий бойликдан устун. Зотан, инсоннинг ҳаётга тўғри муносабатини шакллантирувчи, бахтли яшашини белгиловчи мезони – маънавият. Фаровонлик ва барака, ҳаётдан мамнунилик туйғуси маънавий бойлик ортидан келиши шубҳасиз.

Бежизга ҳалол луқма ҳақида кўплаб ривоятлар, ибратли ҳикоялар, мақолалар яратилмаган. Ҳолбуки, улар юзлаб йиллик инсон таърибасидан келиб чиқиб айтилган. Ҳаром луқма инсон умрининг заволи, таназзули эканлигига қуйида келтирадиган воқеа ҳам яққол мисол бўлади.

Абзал ўттиз ёшни орта қолдиргани билан бирор тайинли ишининг бошидан

тутмади. Туну кун ҳаёлида – ишламай пул топиш, тер тўкмай шоҳона яшаш. Кабиҳ орзулари шайтоннинг қўлгояга етиб бордим, кунларнинг бирида водийга йўловчи ташиш билан шуғулланувчи Азиз исми йиғит билан учраштирдик. Абзал бир неча йилдан бери беморлиги, кучли таъсир этувчи дори истеъмол қилиши, ўз истеъмоли учун фалон дорини топиб берса “рози” қилишини айтди. Азиз ҳам шуни кутиб тургандек, агарда Абзалнинг маъмур моддалар савдоси билан шуғулланувчи танишлари бўлса, бу ишни йўлга қўйиш орқали мўмай даромад олиш мумкинлигини билдирди.

Шундоқ ҳам фикри-зикри жонини қойитмай пул топиш бўлган Абзалнинг тинчи бузилди. У эски таниши Фарходнинг олдига келиб, “тез орада бойиб кетиш имкони борлигини” айтганда, Фарход ўйлаб ҳам ўтирмай уни қўлаб-қувватлади. Ва “пачинига” йигирма миллион пул тикди. Навбат интернет орқали “канал” очишга келганда, бу борада иккиси ҳам нўноқ эканлиги маълум бўлди. Аммо қаловини топишди.

Фарход Шахзод исми таниши бу ишни дундиришини айтиб, уни ҳам ўз ишига шерик қилди. Телеграм орқали

Неча-неча ишонлар умри, саломатлигини емириш, захарлашга қаратилган “тнп” дан келаётган ҳаром ишлар бу жиноий гуруҳнинг иштироқисини очиб юборди.

онлайн-дўкон ишга тушди. Абзал водийга Азиз билан учрашга йўл олди. Буюртма Азизнинг қўлига тегиши билан савдо бошланди.

Шахзод ўз навбатида товарларни манзилларга элтди, овлоқ жойларга яшириб келувчи югурдақликка Шарифни ёллади. Иш юришиб, Фарход ва Абзалнинг қўли-қўлига тегмай қолди. Бир оёғи Тошкентда, бир оёғи водийда. Лекин ҳаром пул бор жойда, албатта, адоват, гина-қудурат, келишмовчилик бўлиши турган гап. Бир муддат ўтиб, “канал”нинг баракаси учганини сезган Фарход Шахзод билан учрашиб, ўзи “канални” юритишини айтиб, ундан телефон рақами ҳамда аппаратини олиб қўйди. Ўз хавфсизлигини ўйлаб, “канал” ишини югурдақ Шарифга топширди.

Неча-неча инсонлар умри, саломатлигини емириш, захарлашга

қаратилган “иш”дан келаётган ҳаром пуллар бу жиноий гуруҳнинг иштироқисини очиб юборди. Улар борган сари “дорилар” хилма-хиллигини кўпайтириб, сонини ошириб буюртма беришарди.

Эҳтиёткорликни унутган дорифурушлар навбатдаги партияни олиб водийдан пойтахт томон йўлга чиқишди. Йўл-йўлакай “заказ”ларни тарқатиб, кейинги манзилга йўл олишди, бироқ етиб боришмади.

Мирзо Улугбек тумани Қорасув маззесида хизмат олиб бораётган ЙПХ ходимлари автомашинани тўхтади. Аввалига улар дағдаға ва пўпса билан ходимларга баланд келишга уринишди. Тегишли идора ходимлари ҳамкорлигида тезкор рейд ўтказилаётгани, автомашинани текшириш лозимлиги тушунтирилганда, дорифурушлар ёрилган пуфақдек шалвираб қолишди.

Текширув натижасида йўловчи ўриндиғидан полиэтилен пакетга ўралган 144 дона кучли таъсир қилувчи дори воситалари ҳолислар иштирокида олинди. Фарходнинг устидаги кийимнинг чўнтағидан 11 дона капсула шаклидаги дори воситалари олинди, тегишли тартибда расмийлаштирилди. Тергов

жараёнида жиноий гуруҳнинг қолган аъзолари аниқланиб, хонадонларида тинтув ўтказилганда, Абзалнинг хонадонидан 70 дона, автомашинасининг юкхонасидан уч хил турдаги жами 396 дона кучли таъсир қилувчи дори воситалари олинди. Шунингдек, Шарифга тегишли автомашинани кўздан кечирилганда салондаги эркаклар сумкаси ичидан ва ҳайдовчи эшигидан яшириб қўйилган икки хил номдаги жами 333 дона кучли таъсир қилувчи дори воситалари хатланди.

Терговда Фарход айбини бўйинга олмади. Гарчи ашёвий далиллар хонадони, автомашинасидан топилганига қарамай, “кўрмаганман, билмайман, эслай олмаيمان”, деб туриб олди. Бироқ гувоҳлар, олинган ашёвий далиллар унинг айбини тўлиқ исботлаган эди. Суд унга қонунда кўзда тутилган жазони белгилади: 8 йилга озодликдан маҳрум этилди. Шариф ва Абзалларнинг токсикомания касаллигига чалинганини эътиборга олиб, саккиз йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш билан бирга, жазони ўташ жойларида мажбурий равишда даволаниши ҳақида ҳукм чиқарди.

СУД ҲУКМИ





Ўзбекистонда айрим мактаб ходимларига ҳар ойлик 100 фоизгача УСТАМА ТЎЛАШ тартиби жорий этилади.




Ўзбек тили бўйича миллий сертификат имтиҳонидида юқори балл тўплаганларга имтиҳон харажати қоплаб берилади.



Ўзбекистон ҳудудида ЙТҲда жабрланган шахсларга ЯГОНА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ кўрсатиш тартиби жорий этилади.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШМОҚДА?

# Самарали фаолият учун мароқли хордиқ чиқариш зарур



Маҳалла тизимида фаолият олиб бораётган ходимлар зиммасига юклатилган вазифалар талайгина. Уларни тўла-тўқис адо этиш учун катта куч ва ғайрат талаб этилади. Тўғри кўнга улаб, халқнинг фаровон турмуш кечириши учун ўз ҳаловатидан кечаётган фидоийлар учун қанча шароит ва имкониятлар яратилса оз.

Яқинда ўз фаолиятини янгидан бошлаган "Навбахор" санаторийси республикамиздаги 9450 та маҳалла ходимлари ва фаолларининг мароқли хордиқ олиши, саломатлигини тиклаши учун имтиёзли нархларда хизмат кўрсатиб келмоқда.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманида жойлашган "Навбахор" санаторийси 14 гектар майдонни қамраб олган бўлиб, гўзал табиат манзараси, узоқ йиллик дов-дархатлар, замонавий ва янги таъмирдан чиққан бино ҳар қандай ташриф буюрувчининг эътиборини жалб қилиши аниқ. Мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олар экансиз, ўзгача енгиллик ҳис қиласиз. Бир вақтнинг ўзида 93 нафар дам олувчи хизмат

кўрсатишга мўлжалланган санаторий хоналари музлатгич, телевизор ва бошқа зарур техника воситалари билан таъминланган. Қишқи ҳамда ёзги бассейнлар дам олувчилар хизматида. Ҳар ҳафта ташкил этиладиган маданий тадбирларга юртимизнинг машҳур инсонлари, шоиру олимлар таклиф қилинади. Улар билан дилдан суҳбат қуриб, вақтни мароқли ўтказиш мумкин. Махсус транспорт воситасида Тошкентнинг эътиборга молик масканлари ҳамда зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштирилади.

Сихаттоҳда лаборатория таҳлиллари, уқалаш, маржонли ванна, магнитотерапия, лазеротерапия каби 28 турдаги тиббий хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган. Бундан ташқари, терапевт, невропатолог, кардиолог каби қатор малакали мутахассислар беморлар саломатлигини тиклаш учун доимий изланишда. Игна терапия усулида 72-100 тагача игна билан даволаш йўлга қўйилган. Туз қориди эса кўплаб сурункали хасталиклардан халос бўлиш мумкин. Тез кунларда балчиқ билан даволаш амалиётини жорий этишни ният қилганмиш.

Санаторийда айни вақтда 52 нафар маҳалла раислари хордиқ чиқармоқда. Ташриф буюрувчилар 7, 10 ва 12 кунлик муолажалардан сўнг ўзини анча тетик ва бардам ҳис қилмоқда. Чарчоқ ва соғлиғидидаги айрим муаммолардан халос бўлгач, янада қизгин меҳнат қилиш учун бел боғлашяпти.

Агар маҳалла ходими ўз касбига меҳр қўйса, фуқаролар билан ишлаш тизимида ижобий ўзгаришлар ясай олади. Шу маънода барун юртимизда "маҳалла еттилиги" фаолиятини самарали ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, руҳлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Сихаттоҳимиздаги қўлайликлар, сифатли хизмат кўрсатиш ҳам шулар жумласидандир. Зеро, самарали фаолият учун мароқли хордиқ чиқариш зарур.

**Баҳодир ШОИМОВ,**  
Қибрай туманидаги Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси қошидаги "Навбахор" сихаттоҳи мажмуаси директори.

БИЛАСИЗМИ?

## КОМИСССИЯДАН ЎТИШГА ҚАНДАЙ ХУЖЖАТЛАР КЕРАК?

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳузуридаги Психологик-тиббий-педагогик комиссия тегишликдан ўтиш тартиби ҳақида маълумотга эгамисиз?

Биринчи навбатда, қонуний вакиллар яшаш жойидаги (ёки яшаш ҳудудидаги ўзига қулай бўлган) "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларига келиб ёки маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходимлар орқали ариза бериши мумкин.

Ариза электрон равишда киритилади ва қонуний вакиллардан (боланинг ота-онаси ёки расман белгиланган қонуний вакили) аризага илова қилиш учун қўйидаги хужжатлар тақдим этилиши сўралади:

- даволаш-профилактика муассасасининг бош врачлари имзолаган боланинг ривожланиши тарихидан батафсил кўчирма;
- боланинг ташхисига қараб тор мутахассис хулосаси; психоневрологик марказнинг қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган психоневролог хулосаси (фақат нутқий, психик ва ақлий ривожланишда нуқсонлари бўлган болалар учун);
- боланинг ўқиб жойидан таълим муддати, ўқув фанларини ўзлаштириши ва хулқ-атвори, болага яқка тартибда кўмак бериш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг батафсил таҳлили акс эттирилган маълумотнома ва таъсифнома (таълим муассасаларида ўқиган болалар учун);
- мактабдан табел картаси (мактабда таълим олаётган болалар учун бир мактабдан иккинчи мактабга ўтмоқчи бўлганда);
- боланинг ноғиронлиги бўйича Тиббий-ижтимоий эксперт комиссия хулосаси (агар бор бўлса);
- аввалги ПТПК хулосаси (агар бор бўлса).



ЭСЛАТМА

## Ҳимоя ордери талаб этилмайди

"Тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиши тақомиллаштириш тўғрисида" Президент қарори имзоланган бўлиб, унга кўра:

Эндиликда, "Инсон" марказларида тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ҳимоя ордери талаб этмаган ҳолда ижтимоий, психологик ва юридик хизматлар кўрсатилади;

Тазийқ ва зўравонлик ҳолати ёки уларни содир этиш ҳавфи аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичида ижтимоий ходим, профилактика инспектори ва хотин-қизлар фаоли тазийқ ҳолатини ўрганишда ва 6 ой давомида кузатиб боради;

Профилактика инспектори ҳимоя ордерини расмийлаштиради;

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахслар «Ишонч рақами 1146» га, «Инсон» марказлари «1140» га ёки Ички ишлар органлари «102» телефон рақамларига мурожаат қилишлари мумкин.

НАТИЖА

# Оғир вазиятдаги оилага зарур кўмак кўрсатилди

...Муаммолар гирдобидида қолган Моҳигул Султонова 3 нафар фарзанди ва 90 ёшдан ошган ўзгалар парваршига муҳтож қайнонаси билан яшайди. Турмуш ўртоғи ўтган йили хасталик сабаб вафот этган. Катта фарзанди Моҳира турмушга чиққан. Иккинчи фарзанди Жамолддин Россия Федерациясига ишлаш учун кетган. 13 ёшли Салоҳиддин саккиз йилдан буён Қумқўрғон туманидаги "Мурувват" ноғиронлиги бўлган болалар интернат уйида тарбияланиб келган. Оиладаги етишмовчиликдан аёлнинг уй-жойи таъмирталаб бўлиб қолган. Қайнонасининг 800 минг сўм пенсия пулига рўзгор тебратиб келган.

Маҳалладаги ижтимоий ходимларнинг белгиланган вазифаларидан бири — оғир вазиятга тушган оилаларни аниқлашдан иборат. Ушбу жараёнда Моҳигул Султонова хонадонидида бўлганимизда худди шундай қийин вазиятда экани аниқланди. Урганиш вақтида аёлнинг ёлғизлиги қолганини, бир ўғли қийинчилик сабаб Россияга кетгани, лекин ўғли пул жўнатолмаётгани аниқланди. Уни Россиядан уйига қайтариб, "Беҳрузмебел" корхонасига ишга жойлаштирдик.

Ўғли Салоҳиддин Мурувват уйдан ўз хонадонига қайтарилди. "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази директори ҳомий топиб, оиланинг ижтимоийлашувини яхшилаш мақсадида битта болани сигир ва парранда олиб берди. Уйи таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Шу аснода Моҳигул Султонованинг бир йўла бешта муаммосини ҳал этдик. Фарзандига боқувчисини йўқотганлик пенсияси, ноғиронлик нафақаси, ноғиронлиги бўлган фарзандини тарбиялаётгани учун парварши нафақаси тайинланди. Шу пайтгача қайнонасининг қариллик пенсиясига кўз тикиб ўтирган хонадон бюджетига бир ойда қарий олти миллион сўм маблағ келадиган бўлди. Буларнинг барчаси жамиятда инсон кадр-қимматини улуғлаб, оғир

**Муҳиддин ТОҒАЕВ,**  
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи.

вазиятга тушган оилалар учун ижтимоий адолат ўрнатиш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг амалдаги ифодасидир. Жорий йилнинг ўтган даврида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Сурхондарё вилояти бошқармаси ва "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари билан худудларда фуқаролар учун ўнга яқин сайёр қабул ўтказиб, мурожаатчилар дуч келган муаммоларни тинглади. Уларни ўйлантираётган масалаларни эшитиб, ечимини топиш йўларини излади.

Сайёр қабулларда фуқаролардан 200 га яқин мурожаат қабул қилиниб, 70 дан ортиси жойида ҳал этилди. 67 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди. Вақт талаб этадиган мурожаатларни ҳал қилиш учун муддат белгиланиб, ижроси қатъий назоратга олинди.

Вилоятда яна бир хайрли ташаббусга қўл урдик. Эндиликда маҳаллалардаги ёлғиз қариялар учун "Кексалар эҳтиромда" лойиҳаси ташкил этилиб, туғилган кунларида уларни табриклаш аниҳанаси йўлга қўйилди. Лойиҳа Сариосиё туманидаги "Дўстлик" маҳалласида яшовчи Ҳайитой Бердиева хонадонидан бошланди. Шу куни олтимиш



"Инсон" ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари нафақат, уларга турли кўмак беради, балки туғилган кунлари билан муборакбод этиб, кўнгилиларига бир олам қувонч улашади.

беш ёшга тўлган ёлғиз яшовчи онани Сариосиё тумани "Инсон" ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази ходимлари йўқлаб бориб, муборак ёш билан табриклади. Совғалар улашди.

Айни пайтда Сурхондарё вилоятида 351 нафар ёлғиз кекса яшайди. Эндиликда жойлардаги "Инсон" ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари ходимлари нафақат, уларга турли кўмак беради, балки туғилган кунлари билан муборакбод этиб, кўнгилиларига бир олам қувонч улашади. Ёлғиз кексаларнинг 216 нафарига 15 турдаги дори-дармон ва 4 турдаги гигиеник воситалари учун пул маблағлари бериб борилмоқда.

Ўзгалар парваршига муҳтож шахслардан 18 нафарининг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Маҳаллаларда яшовчи 16-30 ёшгача ноғиронлиги бўлган ёшларни бундай вақтларини мазмунли ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб

қилиш, ёшларни жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, улар орасидан иқтидорли ҳамда туғма истеъдоди бор ноғиронлиги бўлган ёшларни саралаш ва улар билан тизимли ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Беш ташаббус паралимпиадаси" спорт мусобақалари ташкил этилди. Бугунги кунга қадар вилоятимиз миқёсида мазкур спорт мусобақаларининг туман ва шаҳар босқичларида жами 500 нафар ноғиронлиги бўлган ёш иштирок этди.

Ижтимоий ҳимоя давлатимиз юритаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим ва устувор йўналишларидан бўлганини сабабли, бугун бизнинг фаолиятимиз ушбу устуворликка тўла мо бўлиши шарт. Фаолиятимизга ана шу мезон асосида ёндашмоқдамы. Зеро, ушбу ислохотлар юртимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга мустаҳкам пойдевор бўлади.





Ўзбекистон делегацияси VI «БРИКС» ўйинларида 17 та олтин, 39 та кумуш ва 58 та бронза, жами 114 та медаль жамғарди.



Хоразм вилояти ёшлари «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг республика босқичи ғолиби бўлди.



ОФИР АТЛЕТИКА БЎЙИЧА Марказий Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

ТАЖРИБА

## Ҳар бир кун фойдали юмуш билан ўтати



Маҳалламизнинг ривожланиш нуқтаси тикувчилик ва боғдорчилик бўлгани боис шу йўналишда тажрибамиз катта.

**Махфуза ИСРОИЛОВА,** Хўжабод туманидаги "Саноатчилар" маҳалласи хотин-қизлар фаоли, "Дўстлик" ордени соҳиби.

Ҳар қандай соҳада билдирилган ишончга муносиб бўлиш учун астойдил тер тўкишга тўғри келади. Ўн тўрт йиллик иш тажрибам давомида бунга қайта ва қайта амин бўлганман. Агар ишимизга меҳр қўймас эканмиз, ҳеч қандай ижобий натижага умид қилишга ҳаққимиз йўқ.

Шу тамойилга асосланган ҳолда ҳар кун эрталабдан тушликка қадар хонадонларга кириб, хотин-қизлар билан суҳбатда бўлишга ҳаракат қиламан. Айни вақтдаги кайфияти, муаммоси ва ютуқлари ҳақида сўраб суриштираман. Кўпчилиги ўрганиб қолганиданми, боришимни кутиб ўтиради. Янги иш бошламоқчи бўлганларга зарурий тавсиялар берамиз. Моддий ва маънавий

жихатдан қўллаб-қувватлаймиз. Маҳалламизнинг ривожланиш нуқтаси тикувчилик ва боғдорчилик бўлгани боис шу йўналишда тажрибамиз катта. Аёллар бир-бирига қараб чевар бўлиб кетишяпти. Йил бошида "Аёллар дафтари"га 83 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган бўлса, айни вақтда уларнинг 76 нафарига керакли ёрдам кўрсатилди. 38 нафар ишсизнинг бандлиги тўлиқ таъминланди.

Маҳалламиз аёллари тиришқоқлиги, интилувчанлиги билан ажрალიб туради. Кўпчилиги турли корхона ва ташкилотларда фаолият олиб боришдан ташқари, уйда қўшимча даромад топиш учун доимий изланишда. Паррандачилик, асаларчилик, кўрпа-тўшак тиқиш, иссиқхонадан фойдаланиш бўйича анча йиллик тажрибага эга. Бугун юртимизда хотин-қизлар учун яратиб берилаётган барча имкониятлардан унумли фойдаланиб келмоқда. Ишлаб чиқариш ва саноат кундан-кунга ривожланиб бормоқда.

Муқаддасхон Раимжоновна тўрт йилдан буён нон ва нон маҳсулотлари ҳамда қандолат ишлаб чиқариш бўйича катта натижаларга эришиб келмоқда. Хонадониди ташкил этган кичик корхонада асосан "буханка" нон пиширади. Тайёр маҳсулотни худудимизда жойлашган 2 та мактабга таълим ташкилоти, касалхона ва дўконларга топширади. Эшигидан харидорлар қадами узилмайди. Тиниб-тинчимас бу аёл ишининг сир-асрорларини қизига ҳам ўргатиб келмоқда. Фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида ҳар йили маҳалла тавсиясига кўра имтиёзли кредит бериляпти. 6 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлашдан ташқари, аҳолининг нон ва қандолат маҳсулотларига бўлган талабини қондириб келяпти.

Шундай ишнинг кўзини биладиган кишиларни кўрганда ҳамминг ҳава-си келиши аниқ. Умрининг ҳар онини фойдала юмуш билан ўтказётган, одамлардан раҳмат ва дуо олаётган-

ларни қанча ҳурмат қилсак оз. Муқаддас Маҳаммадаминова 2023 йилда "Аёллар дафтари"га киритилган эди. Ўзининг тиришқоқлиги ва маҳалла кўмаги билан айни вақтда мактаб ўқувчиларига тикувчилик сирларини ўргатиб келмоқда. Ўзига таътил бошлангач, уларнинг иши авжига чиқди. Қизларга хунар ўргатиш асосида буюртмалар қабул қилиб, шогирдларнинг илк даромадларини топишига ёрдам беришти. Амалиёт билан чамбарчас тарзда ташкил этилган ўқув машғулотлари ўргатувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

"Маҳалла еттилиги" ташкил этилгач, фаолиятимизда бир пағона кўтарилиш бўлди. Юзага келаётган муаммоларни ҳар бир йўналиш мутахассиси ҳал этяпти. Шу билан бирга ўзаро ҳамкорлик ва ҳамфикрлик билан янада кўпроқ натижаларга эришяпти. Жамият равақини унумли яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилияпти.

## Оила қурган аёллар кўпроқ ҳисса қўшади



**Жамила САЪДУЛЛАЕВА,** "Оила ва гендер" илмий-тадқиқот институти мустақил тадқиқотчиси.

Ҳар бир корхонанинг ходимни ишга олиш бўйича ўз тартиби бор. Бир ўйлаб кўринганда, турмуш қурмаган, бор вақти, имконияти ва кучини ишхонасига сарфлайдиган ходим яхшими ёки боласи касал бўлаверадиган, ҳадеб жавоб олаверадиган, эрта кетишни мўлжаллаб турадиган ходим афзалроқми?

Бу ҳолатда кўпчилик оила қурмаган ишчинини танлаши табиий. Аслида, ривожланишдан кўрқмайдиган, келиша олиш сифатларига эга, сабрли, низоли тўқнашувлардан ижобий ечим топа оладиган ақл эгаси — турмуш қурганлардир. Улар уйни, ишни, суғур-сидирни эглай оламан, деб ўз олдига мақсад қўя олади. Ўзининг моддий манфаати шу корхона ривожини боғлиқ эканини яхши англайди. Улар бутун ҳаётини, ўз оиласининг келажагини шу корхона обрўси билан чамбарчас боғлаб қўйган. Оила қурмаган ходимлар эса бутун вақтини шу ишхонага сарфлаши мумкин, аммо унинг ривожланишига ҳисса қўйиши қийин.

Бу ҳолатда кўпчилик оила қурмаган ишчинини танлаши табиий. Аслида, ривожланишдан кўрқмайдиган, келиша олиш сифатларига эга, сабрли, низоли тўқнашувлардан ижобий ечим топа оладиган ақл эгаси — турмуш қурганлардир. Улар уйни, ишни, суғур-сидирни эглай оламан, деб ўз олдига мақсад қўя олади. Ўзининг моддий манфаати шу корхона ривожини боғлиқ эканини яхши англайди. Улар бутун ҳаётини, ўз оиласининг келажагини шу корхона обрўси билан чамбарчас боғлаб қўйган.

## Чўмилиш қоидаларига риоя қилинмасми?

• **Очик сув ҳавзаларида чўмилиш вақтида турли замбуруғли инфекциялар туфайли дерматит ва бошқа тери касалликларини ҳам юктириб олиш мумкин.**

**Гулноза ҚУРБОНОВА,** Тошкент шаҳар 1-сон юкумли касалликлар клиник шифохонаси бош шифокори.

Ўз фасли кириб келиши билан кўпчилик жазирамадан қочиб ва салқинланиш мақсадида чўмилиш учун очик сув ҳавзаларига талпнади. Сузишнинг организм учун фойдали жиҳатлари кўп, албатта. Аммо сув ҳавзаларида чўмилиш чоғида турли касалликларни юктириб олиш

хавфи мавжуд. Чўмилиш ҳавзаларидаги ифлосланган сувда учраши мумкин бўлган ичак таёқчаси ва энтеровируслар ўткир вирусли ичак инфекциялари, гепатит (А,Е), ичбуруғ, ичтерлама, ямбюлиоз, сальмонеллез каби касалликларни келтириб чиқаради. Бундай вирус ва бактериялар сувга инсоннинг ювилмаган қўллари, қусиқ моддалари, қуш ёки ҳайвонларнинг нажаси, ҳашоратларнинг личинкалари орқали тушади. 25-45 даража иссиқлик бактерия ва вирусларнинг кўпайиши ва узоқ яшаши учун қулай ҳарорат ҳисобланади. Шу боис ёз фаслида касаллик кўзгатувчилар сувда бир неча кундан бир неча ойгача сақланиши мумкин. Хасталик белгилари тахминан 12-48 соат оралиғида ҳолсизлик, кўнгил айниши, қусиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, ич кетиши, қорин дам

бўлиши каби аломатлар билан намоён бўлади. Очик сув ҳавзаларида чўмилиш вақтида турли замбуруғли инфекциялар туфайли дерматит ва бошқа тери касалликларини ҳам юктириб олиш мумкин. Ифлосланган сувдаги бактерия ва вирусларнинг кўз шиллик қаватига тушиши эса конъюнктивит ёки кератитга олиб келади. Сув ҳавзаларида чўмилиш вақтида шу каби касалликларга чалиниш вақтида турли замбуруғли инфекциялар туфайли дерматит ва бошқа тери касалликларини ҳам юктириб олиш мумкин. Ифлосланган сувдаги бактерия ва вирусларнинг кўз шиллик қаватига тушиши эса конъюнктивит ёки кератитга олиб келади. Сув ҳавзаларида чўмилиш вақтида шу каби касалликларга чалиниш вақтида турли замбуруғли инфекциялар туфайли дерматит ва бошқа тери касалликларини ҳам юктириб олиш мумкин. Ифлосланган сувдаги бактерия ва вирусларнинг кўз шиллик қаватига тушиши эса конъюнктивит ёки кератитга олиб келади.

### САЛОМАТЛИК

Таъкидлаш жоиз, сунъий сузиш ҳавзалари ҳам турли инфекцияларни юктириб олиш хавфидан холи эмас.

Чўмилишдан олдин ва кейин совун билан яхшилаб ёвиниш ва кийимларни алмаштириш зарур. Шунингдек, кучли ультрабинафша нурлари туфайли аллергик реакциялар, тери саратони юзага келиши хавфи ҳам мавжуд. Таъкидлаш жоиз, сунъий сузиш ҳавзалари ҳам турли инфекцияларни юктириб олиш хавфидан холи эмас. Шу сабабли уларнинг тозаланиши, суви ўз вақтида алмаштирилганига ишонч ҳосил қилиш лозим. Агар бундай ҳовуз қанчалар сирланчлик бўлса, сув эскирганидан далолат беради. Бассейн суви совуқ бўлмаслиги ҳам муҳим, чунки бундай ҳарорат томир тортишишига олиб келиши мумкин. Агар сизда чўмилиш пайтида ёки ундан кейин касаллик аломатлари кузатилса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак.

## “Фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулияти”

**Тегишли қарорга мувофиқ, 2024/2025 ўқув йилидан:**

- умумий ўрта таълим муассасаларида “Фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулияти” мавзусида тарбия ҳафталиклари ўтказилади;
- ота-онанинг фарзанд тарбияси борасидаги билимини оширишга қаратилган “Намунали ота-оналар мактаби” лойиҳаси амалга оширилади.



**2024 йил 1 декабр:** — ўқувчиларда “хуқуқбузарликка қарши иммунитет”ни шакллантиришда “мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлиги замирида яратилиши бўйича илмий асосланган ўқув ва оммабоп услубий тавсиялар ишлаб чиқилади; — ота-онанинг фарзанд тарбиясида оид дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган халқчил тилдаги адабиётлар



яратилади. 2024 йил декабрь ойида “Тарбия – шахс маданий-маънавий камолотининг мезони” мавзусида халқаро форум ўтказилади. 2025 йил якунига ота-оналар, ўқувчилар ва ўқувчилар учун ёшлар тарбиясига оид рақамли контентларни жойлаштириш мақсадида “milliytarbiya.uz” электрон платформаси ва унинг мобил версияси ишлаб чиқилади.